

**“ТАШВИШ” СИГНАЛИГА ТЕХНИК ҚЎРИҚЛАШ ПУНКТИ  
ХИЗМАТ КЎРСАТИШ БЎЙИЧА  
33 - сонли Ш А Р Т Н О М А**

Remove Watermark Now

“18” 01.2022 йил

Фарғона ш.

Ўзбекистон Республикаси Миллий гвардияси Фарғона вилояти Қўриқлаш бошқармаси бошлиғи Б.И.Мирзакамоллов Низом асосида фаолият юритувчи бундан кейин бир томондан “Ижрочи” деб номланади, иккинчи томондан Фарғона вилояти тарихи ва Маданияти давлат музейи директори Х.Ж.Закиров бундан кейин “Буюртмачи” деб номланиб, биргаликда “Томонлар” деб юритилади, мазкур Шартномани қуйидагилар ҳақида туздилар:

**1-боб. Шартноманинг предмети.**

1. “Ижрочи” миллий гвардия қўриқлаш хизмати техник қўриқлаш пунктдан (кейинги ўринларда ТҚП деб юритилади) фойдаланган ҳолда объект ҳудудига кирган бегона шахсларни ушлаш, жамоат тартибини сақлаш ва жиноят содир этилишини олдини олиш мажбуриятини, буюртмачи эса мазкур шартнома шартларига асосан ўз вақтида кўрсатилган хизмат учун тўловларни амалга ошириш мажбуриятини олади.

**2-боб. Умумий тартиблар.**

“Буюртмачи” Марғилон шаҳар Озотлик майдони кўчасида жойлашган “Марғилон тарих музейи” ҳамда Марғилон шаҳар Ижоткорлар боғида жойлашган “Эркин Воҳидов мемориал” музейлари биноларига 1 (бир) донадан жами 2 (икки) дона ташвиш тугмаси ўрнатиб, “Объект” ларни дам олиш ва байрам олди кунлари ҳамда дам олиш ва байрам кунларидан ташқари, ҳар куни соат 10:00 дан соат 16:00 гача 6 (олти) соатга, “Ижрочи”га топширади. Ижрочи Ўзбекистон Республикаси Миллий гвардияси Фарғона вилояти Қўриқлаш бошқармаси Марғилон шаҳарлараро қўриқлаш бўлими “Объект”да ўрнатилган ташвиш-сигнализацияси ҳолатини “Приток-А” ускунасидан фойдаланиб назорат қилиш мажбуриятини, шунингдек “Объект”нинг ТҚМ назорати даврида у ерга кирган бегона шахсларни қўлга тушириш учун объектдан ташвиш-сигнали берилганда, қўриқлаш нарядининг тезлик билан етиб келишини назорат қилиш мажбуриятини олади.

2.2. Объектнинг техник мустаҳкамлиги тўғрисидаги, қўриқлаш ва ёнғиндан огоҳлантирувчи техник (ҚЕОС) воситалари билан жиҳозланган жойлар, код билан маҳкамланадиган мосламалар ва бошқа маълумотлар мазкур Шартноманинг ажралмас қисми ҳисобланган илова ва текширув далолатномасида кўрсатилади.

2.3. Объектнинг қўриқлаш техник воситалари билан таъминлаш “Буюртмачи” томонидан амалга оширилади. Бу воситаларнинг техник хизмати ва жорий таъмирланиши шартнома асосида “Ижрочи” инженер-техник ходимларига алоҳида тўлов орқали амалга оширилади. Объектни қўриқлаш ва ёнғиндан огоҳлантирувчи мосламалар схемаси Шартномага илова қилинади.

2.4. Ўзбекистон Республикасининг қўриқлаш тизимида амалда бўлган умумдавлат ҳужжатлари ва норматив актларига асосланган ҳолда объектнинг техник мустаҳкамлигини кучайтириш, қўриқлаш воситаларига тадбиқ этиш ва жорий этилган қўриқлаш тартибларига амал қилиш юзасидан кўрсатмалар “Буюртмачи” учун мажбурий ҳисобланади.

**3-боб. Тўловларни амалга ошириш**

3.1. Мазкур Шартнома бўйича кўрсатиладиган хизмат нархи 1 ойда **862364.40** (саккиз юз олтмиш икки минг уч юз олтмиш тўрт сўм қирк тийин) сўми, бир йиллик хизмат нархи **2587093,20** Икки миллион без юз саксонетти минг туксон уч сум 20 тийин ташкил қилади, ўрнатилган тариф асосида қўриқлаш пост-соат ҳисоби бўйича Шартноманинг ажралмас қисми ҳисобланган ҳисоб-сметаси (нарх келишиш баённомаси) да ҳисоблаб кўрсатилади.

Ўзаро тасдиқланган смета ҳисоби ушбу шартноманинг ажралмас қисми ҳисобланади. Ижрочи хизматлари учун тўловларга қонун ҳужжатларига мувофиқ ҳолларда ўзгартиришлар киритишига ҳақлидир ва Буюртмачи тўловларни Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги ва